

Хатми Қуръон урушни тўхтатади!



21:30 / 26.02.2022 2870

Султон Муҳаммад Алпарслон одил ва оқил султон сифатида машҳур бўлган. Вазир Низомулмлкнинг оқилона сиёсати ва маслаҳати Алпарслоннинг салтанати кенгайишида муҳим ўрин тутган. Султон Алпарслоннинг Малазгиртда 15 минг аскар билан Византия империясининг 200 минглик қўшини устидан ғалаба қозонгани ҳозирга қадар ҳаяжон билан эсга олинади.

Салжуқийлар ҳукмронлиги дунёни забт этаётган бир палла эди. Султон Алпарслон Мовароуннаҳрни ҳам эгаллаш мақсадида Жайхун, ҳозирги Амударё дарёсига кўприк қурдиради ва 20 кундан ортиқ вақт ичида дарёни кечиб ўтади.

Султон Алпарслоннинг Мовароуннаҳр ўлкасига келиб, бир нечта шаҳарларни эгаллагани маҳаллий аҳолини қайғуга солади. Хусусан, Самарқандликлар Бухоронинг Салжуқийлар қўлига ўтганини эшитиб, Ватан ҳимояси учун қайғура бошлайдилар. Самарқандлик олимлар ва қорилар тўпланиб, Қуръонни бир неча марта, баъзи ривоятларда икки марта хатм қиладилар ва Алпарслонга Аллоҳнинг ўзи кифоя қилишини сўраб, дуо қиладилар.

Аллоҳ таоло Самарқандликларнинг дуосини қабул қилади!

Султон Алпарслон Жайхунни кечиб, Мовароуннаҳрга қадам қўйган кунлари Юсуф ал-Хоразмий исми шахс томонидан пичоқланади ва шу хасталик билан вафот этади!

Султон Алпарслоннинг шахсий хислатлари, сийрати, сиёсий қарашлари, билими, халқпарварлиги, адолати ва улкан фатҳлари, хусусан, Ислом дини йўлида қилган хизматлари, шубҳасиз, таҳсинга сазовор. Лекин бу фазилатлар ҳам Самарқанд қорилари олдида ожиз қолган!

Ҳа, Мовароуннаҳрни душмандан Қуръони Карим ҳимоя қилган!

Қадим Ўзбекистонни ёвдан қорилар ва олимлар мудофаа қилган!

Хатми Қуръон катта талофатларга сабаб бўладиган урушни тўхтатган!
Муслмонлар қони тўкилишининг олдини олган!

Манба: Қаранг: Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи ат-тарих. Ж.10. – Байрут: Дар содир, 2009. – Б. 34.

Абдуллоҳ Абдулмажид, ЎМИ Қуръон ва тажвидни ўргатиш бўлими ходими